

БУХОРО АМИРЛИГИДА ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ ТАРИХИДАН*Амонова Феруза Саъдуллаевна**Ўзбекистон ФА Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Бухоро амирлигида пахтачилик ва бошқа соҳаларда фаолият юритган тадбиркорлар, акциядорлик жамиятлари, ширкатлардан ташқари нефть, тошкўмир ва бошқа ер ости бойликларини ўзлаштиришга ихтисослашган ширкатлар ҳам вужудга келди. Ўлкада оғир саноат соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмаган, чунки бу соҳани ривожлантирувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи завод корхоналари мавжуд эмас эди. Иккинчидан маҳаллий ва рус сармоядорлари ўз сармояларини тез ва кўп фойда келтирадиган соҳага жалб қилишни хоҳлаган.

XIX асрда Бухоро амирлигида рангли металургия, металга ишлов бериш, нефть қазиб олишда маҳаллий усуллардан фойдаланилган ва қайта ишлаш йўлга қўйилган ҳамда эҳтиёж доирасида қазиб олинган. Дастлаб Бухоро амири Насруллохоннинг топшириғи билан Нурато ва Шахрисабз тоғларида темир рудасини қидириш ишларини олиб борган. Бироқ хонликлар ўртасида низоларнинг кучайиши сабабли кончилик саноатини ривожлантиришда эътибор берилмаган. Фақат жанубий бекликлар Қоратоғ ва Бойсундагина хонаки усулда металл қазиб олиш давом этган. Лекин бу металлар маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондиришга етмаган шунинг учун метални Ҳиротдан кейинчалик Россиядан олиб келишга мажбур бўлган.

Бухоро амирлигида металл ишлаб чиқариш ва ишлов бериш жуда содда усулларда амалга оширилган. Рус элчиси К.Ф.Бутенев Бухоро амирлигида металл ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга деярли эътибор берилмаганлигини куйидагича таърифлайди: “Бухорода хунармандчилик мукамалликнинг қуйи босқичида туради, заводчилик иши яхши йўлга қўйилмаган. Агар ҳукуматнинг бу соҳадаги эътибори бундан кейин ҳам ҳозирдагидек давом этса бирор ўзгариш бўлиши қийин. Сармоёга эга тадбиркорларнинг заводлар қуриши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у бундай заводлар келажакда катта фойда келтиришини билмайди” .

Бухоро амирлигида фойдали қазилма конлардан фойдаланиш ва қайта ишлаш оддий усулда амалга оширилган. Олтин, туз, селитра, нефть ва кўмир маҳсулотларини ўз эҳтиёжи даражасида маҳаллий усулда ўзлаштирилган. Амирликда тоғ-кон саноати пайдо бўлишига жиддий тўсиқлардан бири табиий шароит, тоғли ҳудудларга ўтишда лой оқимларнинг ҳалокати ва ҳукумат вакилларининг бу соҳаларни ривожлантиришда эҳтиёжи ва хоҳишнинг йўқлиги ва бошқа сабаблар таъсир қилди.

Бухоро амирлигининг эҳтиёж талаб қиладиган табиий қазилма бойликлари: олтин кони Дарвоз тоғлари атрофларидан, Шарқий Бухоронинг Ях-Сув, Вахш ва бошқа кичик дарёлари бўйларидан қуми билан олинади. Мис ва темир конлари Буюк Пётр ва Ҳисор тоғ тизмаларидан қазиб олинади. Олтингургурт Калиф яқинидаги Жалолтепада, Шеробод атрофида мавжуд эди. Туз конлари Кўлоб беклигидаги Чубек яқинидаги Хўжа Мўмин тузли тоғидан, Анжерой қишлоғидан ва Ҳисор тизмасидан олинади. Тошкўмир - Бойсун, Ҳисор ва Қўрғонтепа бекликларида жойлашган конлардан қазиб олинади. Ишлаб чиқаришда сармоянинг, такомиллашган жиҳозлари, замонавий конструкциядаги ёритиш печларининг йўқлиги боис, бухороликлар ҳозирда олтин, темир, олтингургурт ва тузни жуда кам миқдорда оладилар.

Амирликда мутахассислар томонидан маҳсус геологик тадқиқотлар олиб борилмаган. Баъзи бир геологлар, жумладан, Крафт, Леват, Михайлов, Журавко-Покорский ўз изланишлари орқали маҳсус топишриқ билан Сафетдарёнинг

олтинга бой кумларини топиш мақсадида фақатгина Дарвоза, Ях-Сув дарёси буйларига сафар уюштирганлар .

Олтин қазииш ишлари XIX асрнинг 90 йилларнинг охирида бошланди. 1894 йилда тоғ-кон муҳандиси Журавко-Покорский катта маблағ сарфлаб олтин конларини аниқлашга киришди. Журавко-Покорский билан бир вақтнинг ўзида капитан Борсчевский, тоғ-кон муҳандиси Михайлов (1896), Крафт ва Рикмер (1898), Левашов (1901), Лева (1902) каби бир нечта тадқиқотчилар тадқиқот олиб борди .

Олтин қазиб олиш борасидаги тадқиқотлар кўплаб саноатчилар ва мутахассисларни жалб қилди. Натижада олтин конлари билан биргаликда жиддий саноат аҳамиятига эга бўлган нефть, туз конлари, кумуш ва кўрғошин рудаси ва бошқа фойдали қазилма конларини мавжудлиги ҳақида табиқотчилар томонидан тасдиқланган .

Россия ҳукумати амирлик ҳудудларидан олтин қазиб олишни тезлаштириш учун биринчи навбатда конларни кенг миқёсда ўрганишни, геологик кидирувларга катта маблағлар ажратилишини, конларда шурфлар, шахталар, рудниклар қазииш, уларга насослар ўрнатиш ва қайта ишлаш учун зарур асбоб-ускуналарни жамлаш, дарё бўйлаб тўғон қуриш ва олтин олишнинг завод усулини қўллаш мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Олтин қазиб чиқариш ёки олтин тайёрлаш учун зарур маҳсулот етиштириш икки йўналишда амалга оширилган. Дарвоз беклиги ҳудудидан олтин конидан кристалл кўринишдаги олтин маҳсулоти қазиб олинган. Панж, Вахш, Яхсув, Қизилсув, Ванг, Оқдарёда таркибида олтини мавжуд бўлган кумдан, тоғ жинсларидан олтин олинган. Бу дарёлар ўз оқими бўйлаб аралаш тоғ жинсларини ювиб кетиши оқибатида таркибидан олтин бўлган кумлар пайдо бўлган ва кумдан олтин тозалаб олинган.

Дарё кирғоғидан олтин олишда, асосан, кўй терисидан фойдаланилган. Тўр билан жиҳозланган махсус мосламага кўй териси кўйилиб, чўмичда сув олиниб қайта-қайта ювилган. Ювилган кумнинг таркибидаги олтин зарралари кўй терисидаги юнглор орасида сақланиб қолган. Бир неча соат давомида тўпланиб қолган олтин зарралари махсус тароқда тараб олиниб, идишга солинган. Олтин изловчиларга, уни тозаловчиларга жуда кам ҳақ тўланган. Иш жараёнининг жуда қийин бўлишига қарамай олтин изловчи маҳаллий аҳолининг ўртача кунлик иш ҳаққи 30-40 тийиндан 4-5 рублгача етган. Олтин излаш, ювиш, тозалаш ишлари қаттиқ назорат остида амалга оширилган. Мавжуд тартиб-қоидага кўра олтин излаш, ювиш ҳуқуқини олиш учун талабгор Бухоро хазинасига катта миқдорда солиқ тўлаши шарт эди.

Бухоро фуқаролари билан бирга, рус фуқаролари ҳам шу қоидага бўйсунуши лозим эди. Бунинг учун Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти томонидан махсус рухсатнома берилган .

Рус тадқиқотчилари ва тадбиркорлари Бухоро амирлиги ҳукуматига Шарқий Бухоро ҳудудларида олтин излаш ва қазииш ишларига рухсат сўраб мурожаат қилганлар. Рухсат беришдан олдин олтин қазиб олиш бўйича махсус низом ишлаб чиқиш зарур эди. Ушбу низомни тайёрлаш учун масалани жойида яхшилаб ўрганиш керак эди. Туркистон ўлка маъмурияти 1895 йилда масалани ўрганиш учун кон муҳандиси Михайловни Шарқий Бухорога юборди . Унинг маълумотлари асосида лойиҳа тузилди. 40 банддан иборат “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқариш саноати ҳақида”ги низоми 1896 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган. Низомга кўра, Бухоро амири ўз амалдорларини олтин қазиб олиш жараёнини назорат қилишга, тайёр маҳсулотни ўлчаш пайтида текшириш учун масъулларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари қазиб олинган ҳар пуд олтинининг беш фоизи Бухоро ҳукумати фойдасига берилиши, саноатчи, ишбилармонлар томонидан

олиб борилаётган кон қидирув ишлари ва олтин қазиб олиш учун Бухоро ерларидан фойдаланганлик учун Бухоро амирлиги ҳисобига солиқ ва бошқа тўловлар тўлаш кўрсатилган .

Маҳаллий қонунларга кўра, Бухорода қазиб олинган барча олтинлар амирнинг мулки ҳисобланган. Шунинг учун закотчи олтин ҳисобидан мисқолига ўртача 4 рубль 90 тийинлик залотник тўлаш шarti билан ижарага берган .

Бухоро ҳукуматидан кўплаб рус ишбилармонлари Бухоронинг минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш учун концессия имзолаган. Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) 1896-1917 йиллар давомида олтин қазиб ишлари учун 36 та концессия шартномасини имзолаган. Аммо фойдаланиш ҳуқуқини олган рус ишбилармонларининг аксарияти олтин қазиб билан шуғулланмаган .

1901 йилда А.П.Жоравко-Покорский олтин қазиб олишга ихтисослашган “Помир олтин саноатчилари жамияти”ни ташкил этилди. Жамият олтин саноатини замонавий асосда ташкил этиш ишларида анча қийинчилик ва муаммоларга дуч келган, режалаштирилган натижаларни қўлга кирита олмаган. Натижада жамият “Помир олтин саноатчилари” акцидорлик жамиятига айлантирилган. Акциядорлик жамиятининг бошқаруви В.В.Поклевский-Козелль савдо уйига берилиб, кўпроқ саноатчи ва ишбилармонлар доираси бу ишга жалб этилади ва 1917 йилга қадар ушбу ҳудудда олтин саноатини вужудга келтириш учун фаолият олиб борган.

1911 йил охиригача А.П.Жоравко-Покорский Бухоро ҳукумати хазинасига 2,5 пуддан зиёд олтин берди. Конда иккита турар жой курди, шахталарда бир нечта йўналишдаги кўнка ва юзтагача аравачадан фойдаланди, аравачаларни отлар бошқарган, икки мил узокликда ариқ, қумларни ёриш учун сув қузури ва олтин қазиб олиш учун зарур бўлган бошқа қурилмалар ётқизилди . Ҳозирда олтингугуртли қумларни ювиш йилига 500 000 пуд қумни ювишга эришилди. Айланма маблағнинг етишмаслиги, олтинли қумларни кенгрок ишлаб чиқариш учун зарур бўлган гидравлик мосламаларни ўрнатишга имкон бермади. Зарур техника билан жиҳозланганда улар кунига 60 минг пуд қумни тозалаш имконига, йилига 92380 рублгача ялпи даромадга эга бўлиши мумкин эди

Кейинчалик А.П.Жоравко-Покорскийни чет эл капиталистларига мурожаат қилишга мажбур қилди. Rickmers инглиз савдо уйи қазиб ишларига тахминан 75 000 рубль сармоя киритди. Афсуски, тез орада Rekmers барча бошқарув ҳуқуқларини савдо уйига ўтказишни, А.П.Жоравко-Покорскийни фирма менежерига ёки вакилига айланишини талаб қилди. А.П.Жоравко-Покорский фирма талабларига рози бўлмагач, Rikmers ишда қатнашишдан бош тортди .

Тоғли ҳудуд аҳолиси орасида ушбу касб оиласини учун ёрдамчи касб, қўшимча даромад эди. Ерсиз аҳоли асосан олтин ювиш билан шуғулланган. уларнинг баъзилари учун асосий касбга айланди ва олтин қазиб олишда тўпланган тажриба авлоддан-авлодга ўтишни бошлади. Улар олтин конлари жойлашган жойни аниқлай оладиган, таркибида олтингугуртли қумни ювиш маҳоратини мукамал эгаллаган жуда моҳир олтин қидирувчилар бор эди.

1904 йилда олтин ювиш ишларига 35-40 нафар, 1910 йилда 75 нафар ишчи ишлаган. 1900 йилдан 1909 йилгача А.П.Жоравко-Покорский yilda 75 пуд олтин олишга эришди . Биргина 1904 йилда 316000 пуд қумдан 5 пуд ёки 18 золотник (76.68 гр) миқдорида олтин олган. А.П.Жоравко-Покорский тажрибали усталарга 30-35, оддий ишчиларга 25-30, ёш ишчиларга 12-15 копекдан иш ҳаққи тўлади .

Нефть конлари Сарой посёлкаси яқинида, Қўрғонтепа беклигида, Шеробод шаҳри яқинида мавжуд бўлган . Нефть умуман қазиб олинмаган, оз миқдорда Ҳисор беклигига яқин қишлоқ аҳолиси томонидан эҳтиёжи учун йиғилган .

Бухоро нефти Фарғона нефти билан таққослаганда таркибида бензин кўп (10 % гача), нефть қолдиғида кўп миқдорда керосин бор қатрон йўқ.

Нобел нефт компанияси Чоржўй, Карки, Термиз, Сарой, Бухоро шаҳарларида ўзини нефть маҳсулотлари омборларига эга эди . Юқоридаги манзилгоҳларда компаниянинг бўлимлари ва транспорт компанияларини очди .

1889-1898 йилларда Ўрта Осиё бозорига барча нефть маҳсулотлари ва қайта ишланмаган нефть умумий экспорти икки бараварга ошди. 1889 йилда 2475 пуд бўлса, 1898 йилда 6414 пудни ташкил қилди. Бухорода қайта ишланмаган нефтнинг улгуржи савдоси 1 рубль 60 тийинни ташкил қилди. 1916 йилда геология кўмитаси Марказий Бухоро ҳудудларида нефть конларини очиш борасида тадқиқотлар бошланди .

Нефтни қайта ишлаш заводларига эга “Кавказорти савдо саноат ширкати 1900 йилдан керасин сотиб олишни йўлга қўйди. Ширкатнинг Асхабод, Марв, Янги Чоржўй, Бухоро Самарқанд, Қўқонда ўз омборларига эга эди . Ширкат Чоржўйда керосин, нефть, мазут савдоси билан шуғулланган.

Чоржўйда тадбиркор Ш.Асадуллаевга тегишли керосин маҳсулотлари омбори бўлиб, керосин, нефть, мазут маҳсулотлари билан савдо қилган .

Қизилтепа станциясида керосин ва пахта савдоси билан шуғулланадиган Берлян ва Муҳитдинов фирмалари фаолият олиб борган (6 иловагв қаранг).

Венедиктов, Подонский ва Е. ва А. Цигельбаумнинг оҳак печлари Кармана станциясидан 20 верст узоқликда жойлашган. Заводда 100 нафар маҳаллий аҳоли ишлаган. Ишлаб чиқарилган оҳак ўзининг юқори сифати билан машхур.

Дарвоза, Қоратегин, Ҳисор бекликларидан қазиб олинган темир эҳтиёж учун керакли микдорда ишлаэски усулда эритилган. Темир - қурооллар, кишлоқ хужалиги жихозлари ясашда ва бошқа мақсадларда ишлатилади. эски печларда эритилади. Темир ишлаб чиқариш йилига 3-4 минг пуддан ошмаган. Биринчи жаҳон урушигача Бухоро амирлиги ҳудудида 6 та темир эритиш печлари бўлган .

Хулоса қилганда, Бухоро амирлигида ҳукуматнинг назорати остида кончилик соҳасини ривожлантиришда шарт-шароитлар яратиш, бу соҳадан хабари бор маҳаллий аҳолини тадқиқотларда жалб қилиш, соҳа мутахасислари иштирокида кўшимча тадқиқотлар олиб бориш, маблағ билан таъминлашни тақазо этди. Металл олиш усулларини такомиллаштириш орқали вазиятдан чиқиб кетиш мумкин. Келажакда электр станцияларнинг имкониятларидан фойдаланишга ҳукумат жиддий эътибор қаратса, кончилик соҳасини кенгайтиришда маблағ ажратса ҳам иқтисодий салоҳияти ҳам завод фабрикаларда ишлаб чиқариш имкониятлари ҳақ кенгайди.

Адабиётлар

Ҳаёт ва ирода [Назир Ражабов ҳақида мажмуа]. Масъул муҳаррир: Иброҳим Ҳаққул. –Тошкент: “Тафаккур”, 2019.

Ражабов Қ. Назир Ражабов. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021.

Мусаев Н.У. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – Б.28.

Мирзакулов Б.Т. Бухоро амирлиги ҳудудларида кончилик ишлари хусусида // Кончилик хабарномаси-2. №29. 2007. – Б.124.

Михайлов А.Г. Золотопромышленность в Бухарском ханстве // Туркестанские ведомости. №49. 1897 г.

Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – С.238.

Золотник – мискол, $\frac{1}{16}$ пуд ёки 4,26 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

Алелеков Ф.А. Минеральные ресурсы Бухары. – С.32.

Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. – С.125.

Ўзбекистон миллий архиви, И-41, 1-рўйхат, 304-иш, 87-варақ.



Логофет Д.Н. Золотопромышленность в Восточной Бухаре // Туркестанские ведомости. №139. 1905 г.

Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - С.80

Рок Тен. Золотые прииски в Бухаре // Туркестанский сборник. №543. 1910 г.

Алелеков Ф.А. Минеральные ресурсы Бухары. – С.34.

Остроумов Н.В. География Туркестанского края с краткими сведениями о ханствах Бухарском, Хивинском и Закаспийской области: (родиноведение). – Самарканд. 1891. – С.75.

Логофет Д.Н. Бухарское ханство. Под русским протекторатом. Том 1. – С.269.

Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – С.145.

Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. – С.10.

Марказий Осиё бозорида керосин савдоси // “Закаспийский обозрение” (Асхабад). № 122. 11 июня 1899 г.

Езиоранский Л.К. Фабрично-заводские предприятия Российской империи. – С.599.

Конопка С.Р. Туркестанский край. – С.255.

Иллюстрированный путеводитель по Средне-Азиатской железной дороге. От станция Красноводск до станция Ташкент, Андижан, Скобелов, Кушка и Бухара. – С.90.

Ўзбекистон тарихи (1860-1917). Хрестоматия. Том 4. – С.447.

Алелеков Ф.А. Минеральные ресурсы Бухары // Бухарский жизнь. 32

Алелеков Ф.А. Минеральные ресурсы Бухары. – С.31.